

Ақийда дарслари (154-дарс). Ибодат ва дуо



19:30 / 18.10.2021 3387

Бу икки нарса, яъни ибодат ва дуо қазо ва қадар, банданинг амали ихтиёрий ёки мажбурий экани, савоб ва иқоб масалалари билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидламоғимиз лозим.

Агар баъзи тушунмаганлар ўйлаганидек, қазо ва қадар Аллоҳ таолонинг илми эмас, балки мажбурлаши бўлганида, У Зот биз бандаларни ибодат ва дуо қилишга амр қилмаган бўлар эди. Мабоодо Ўзи мажбур қилиб туриб, яна амр берадиган бўлса, мантиқсизлик бўларди. Бу эса Аллоҳ таолонинг шаънига мутлақо тўғри келмайди.

«Ибодат» сўзи «итоат» маъносини билдиради. У «убудият» – «қуллик» маъносидан кўра кучлироқдир. Чунки ибодат маъбуд олдида ўзини хору зор тутишнинг юқори чўққисидир. Бундай нарсага, яъни маъбудликка эса фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина сазовордир.

«Жавҳаратут тавҳид» номли китобнинг шарҳида ибодат қуйидагича таърифланган экан:

«Ибодат Аллоҳ таоло ёқтирадиган – намоз, закот, рўза, ҳаж, ростгўйлик, омонатни адо қилиш, ота-онага яхшилик қилиш, силаи раҳм қилиш, аҳдга вафо қилиш, Аллоҳ таолонинг динига ихлос қилиш, У Зотнинг неъматига шукр қилиш, қазосига рози бўлиш ва шуларга ўхшаш, зоҳир бўлсин, ботин бўлсин, ҳар бир эзгу гап ва амални жамловчи исмдир».

«Аллоҳга ибодат қилинган ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирманган», деган (36-оят).

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди